

Ўзбекистон Президенти Россия Ҳукумати раисининг ўринбосарини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 февраль куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматларо комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари қўплаб йўналишларда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 2016 йил 6 сентябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувлар фаол ва самарали амалга оширилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шериклариданdir. 2016 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган. Товар айирбошлиш ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистонда етиширилган мева-сабзавот маҳсулотларини "яшил йўлак" орқали россиялик истеъмолчиларга етказишни ташкил этишга доир келишувлар имзоланган. Жорий йилда Россия бозорига 1 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар, шунингдек, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган кенг турдаги маҳсулотлар етказиб бериш мўлжалланган.



Ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шу жумладан, икки мамлакат худудлари ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Инвестициявий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 960 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, Россиянинг 64 етакчи компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси билан бир қаторда машинасозлик, металлургия, тўқимачилик саноати, фармацевтика, замонавий тиббий ускуналар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш соҳаларида ҳам янги инвестициявий лойихалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Таълим ва соғлиқни саклаш соҳаларида янги дастур ва битимлар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларидағи ўзаро манбаатли ҳамкорлик йўналишларини янада диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар икки мамлакат компаниялари ўртасида узоқ муддатли амалий алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, янги қўшма дастур ва лойихаларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича хукуматлараро комиссия мухим ўрин тутаётганини қайд этдилар.

Д.Козак самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан кенг қўламли савдо-иктисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎзА